

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.ФМ/Т.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АХМАДАЛИЕВ БОЗОРБОЙ ЖОБОРАЛИЕВИЧ

**CdS ТИПИДАГИ КРИСТАЛЛАР ЭКСИТОН-ПОЛЯРИТОН
ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯСИ СПЕКТРИДА ФАЗОВИЙ ДИСПЕРСИЯ ВА
ЭКСИТОН СЎНИШИ**

01.04.10-Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Ахмадалиев Бозорбой Жоборалиевич

CdS типдаги кристаллар экситон-поляритон люминесценцияси спектрида
фазовий дисперсия ва экситон сўниши 3

Ахмадалиев Бозорбой Жоборалиевич

Пространственная дисперсия и экситонное затухание в спектрах экситон-
поляритонной люминесценции кристаллов типа CdS.....27

Akhmadaliev Bozorboy Joboralievich

Spatial dispersion and exciton decay in the exciton-polariton luminescence spectra
of CdS type crystals..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АХМАДАЛИЕВ БОЗОРБОЙ ЖОБОРАЛИЕВИЧ

**CdS ТИПИДАГИ КРИСТАЛЛАР ЭКСИТОН-ПОЛЯРИТОН
ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯСИ СПЕКТРИДА ФАЗОВИЙ ДИСПЕРСИЯ ВА
ЭКСИТОН СЎНИШИ**

01.04.10-Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2. PhD/FM324 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона Политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ispm.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Носиржон Хайдарович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мамадалимов Абдугафур Тишабаевич
физика-математика фанлари доктори, академик

Ғуломов Абдурасул Ғофурович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент ахборот технологиялари университети

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел./факс: (99895) 146-77-44; e-mail: info@ispm.uz), ЎЗМУ қошидаги ЯФМ ИТИ мажлислар зали).

Диссертация билан Ахборот технологияларни жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел./факс: (99895) 146-77-44; e-mail: info@ispm.uz),

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Ш.Б. Утамурадова
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.С. Насриддинов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш котиби т.ф.д., доцент

А.Т. Мамадалимов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда каттиқ жисмларнинг замонавий оптик спектроскопиясида ҳажмий ва кичик ўлчамли яримўтказгичларнинг экситон нурланиши ҳам фундаментал, ҳам амалий нуқтаи назардан фаол илмий тадқиқотлар предмети ҳисобланади. Бунда монокристаллар, поликристаллар, таркиби назорат қилинадиган юпка плёнкалар билан бир қаторда, ҳар хил тузилишга эга квант-ўлчамли структураларга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу улар экситон нурланишининг лазер технологиялари соҳасида амалий қўлланиши ва спектрлари таҳлилидан сермахсул маълумот олиш имкониятларини беради. Шунга кўра микро- ва наноэлектроникада тадқиқ қилинаётган намуналарнинг ички тузилиши ҳамда электрон хоссаларини диагностика қилишда бевосита ва энг ишончли усул бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида экситон спектроскопиясидаги муҳим муаммолардан бири CdS типигаги бир ўқли кристалларда оралиқ экситон-фотон ўзаро таъсири ҳамда аномал дисперсия шароитида реал экситон сўнишини эътиборга олиб, экситон-поляритон люминесценцияси (ЭПЛ) спектрларини аниқ ҳисоблаш ва экспериментга мос ҳолда назарий таҳлил қилишдир. Шу сабабли механик экситон сўниши $\hbar\Gamma$ ни эътиборга олган ҳолда CdS типигаги кристаллар ЭПЛ ига бўйлама экситонлар ҳамда сирт-радиацион спектрал модаларнинг кўшадиган парциал ва интерференцион улушларини сонли ҳисоблаш усулларини яратиш, CdS типигаги кристалларда кучли экситон сўниши ва аномал дисперсия шароитида аралаш экситон-поляритон тўлқинлари анизотроп нурланишининг шаклланиш механизмлари, CdS типигаги кристалларда экситон сўнишининг критик қиймати яқинида ва ўта катта сўниш шароитида аралаш модаларнинг интерференцион нурланиши каби масалаларнинг чуқурроқ илмий тадқиқоти асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг долзарб устивор йўналишларига алоҳида аҳамият бермоқда. Хусусан, қуёш элементлари яшаш учун керакли моно- ва поликристалл яримўтказгичлар олиш технологиясида муҳим натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада Ривожлантириш стратегиясида илмий ва инновацион ютуқлардан амалда фойдаланишнинг самарали механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу аснода фотоника ва оптоэлектроника соҳасида яримўтказгич тизилмалар оптик параметрларини аниқлашнинг янги, чуқур назарий тадқиқот усулларини яратиш жуда муҳимдир. Ушбу диссертация CdS типигаги бир ўқли кристалларда паст температурали ($T \approx 2-70$ K) ЭПЛ спектрлари шаклланишининг янги механизмларини назарий ўрганишга бағишланган бўлиб, унинг натижалари ионлаштирувчи нурланиш детекторлари, поляритон лазерлар, ахборот технологиялари элементлари ва бошқа шунга ўхшаш оптоэлектрон асбобларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотлари маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ва 2017 йил 13 февралдаги “2017-2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, ривожланишини жадаллаштириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари ҳақида” ПҚ-2772-сон қарори, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва маблағ билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида” ПҚ-2789-сон қарорида ҳамда шу соҳада қабул қилинган бошқа шунга ўхшаш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III.Энергетика, энерго-ресурс тежамкорлиги, асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, электрон асбобсозликнинг ривожлантиришни устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Поляритон люминесценцияси (ПЛ) шаклланишининг умумназарий масалалари америкалик олимлар Томас ва Хопфильд, япониялик Тойозава, Киевдан Пекар, россиялик Агранович ва унинг шогирдлари ҳамда Пикус, Ивченко ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. CdS кристалларида ПЛ спектрлари бўйича экспериментлар россиялик Гросс ва унинг шогирдлари Пермогоров, Селькин, Травниковларнинг классик ишларида ҳамда яқин йилларда CdTe кристалларида Клевков, Парфенюк ва бошқаларнинг тадқиқотларида келтирилган.

Экспериментлар кўрсатишича, CdS ва CdTe кристаллар паст температурали фотолюминесценциясининг (ПТФЛ) шаклланишида эркин экситонлар (поляритонлар) ҳамда уларнинг киришмалар билан бирикмалари муҳим роль ўйнайди. ПЛ ни назарий тавсифлашда асосан Больцманнинг кинетик яқинлашишидан фойдаланиб келинган, ҳолбуки унинг қўлланиш шартлари экситон резонанс частоталари атрофида доимо бузилади.

Ўзбекистонда Н.Х.Юлдашевнинг қатор ишларида экситон люминесценцияси назарияси кинетик яқинлашувда экситон нурланишининг кўп қаррали сочилиши ҳамда кутбланишини эътиборга олиб, поляритонларнинг резонанс қўзғатилишида кучли ҳамда кучсиз экситон-фотон ўзаро таъсири ҳолларида кўрилган. Кейинчалик Н.Х. Юлдашев, А.Г. Абдуқодиров ва Б.З.Полвоновларнинг ишларида бу назария экситоннинг диссипатив сўниши поляритонлар тақсимот функцияси учун Больцман кинетик тенгламасининг қўлланилиш шартларини бузган вақтда механик экситонларнинг сўнишини ҳисобга олиб такомиллаштирилган. Бу назария асосида бўйлама экситон ω_L частотаси яқинида ПЛ га қуйи ва кучли сўнувчан юқори поляритон тармоқларининг ҳиссалари изчиллик билан ҳисобланди ва ZnP₂, CdS ва CdTe кристалларининг экспериментал спектрлари таҳлил қилинди. Шуниси бор-ки, бунда муайян ҳисоб ва тажриба

энг оддий ҳолат таҳлили – поляритон нурланиши кристаллдан вакуумга нормал чиқиши билан чекланган. Бўйлама экситонлар, сирт-радиацион модалар ва уларнинг интерференцион нурланишининг ПЛ га қўшадиган, фазовий дисперсия (ФД) оқибатида келиб чиқадиган ва экситон сўнишига кучли боғлиқ бўлган улушлари миқдорий жиҳатдан шу кунгача деярли таҳлил қилинмаган. CdS кристалларида аралаш экситон-поляритон модалари (АЭПМ) нинг бурчак остидаги (анизотроп) нурланиши сифатида, оралик экситон-фотон ўзаро таъсири (бўйлама-кўндаланг ажралиш миқдори $\omega_{LT} \leq \Gamma$) шароитида юзага келадиган ЭПЛ нинг назарий тадқиқотлари ҳам яратилмаган. Бундай улушларни батафсил миқдорий таҳлил қилишга ва мавжуд экспериментлар билан таққослашга эътибор қаратиш зарур.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий тадқиқот ишларининг режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг 28-рақамли “Алоқа каналларини ташкил қилишнинг поляритонли принциплари” (ЎзР ФТРМҚ, 2012-2013 йиллар) фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: кадмий сулфиди типидagi бир ўқли яримўтказгич монокристалларда фазовий дисперсия ва экситон сўнишининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, экситон-поляритон люминесценцияси спектрлари шаклланишининг янги механизмларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– CdS типидagi кристалларда механик экситонлар ($A_{n=1}$) сўниши $\hbar\Gamma$ ни эътиборга олиб, **s**– ва **p**– қутбланган қўшимча тўлқинларнинг вакуумга нурланиш геометриясида ҳажмий ва сирт-радиацион спектрал модаларнинг экситон-поляритон люминесценциясига қўшадиган парциал ва интерференцион ҳиссаларини ҳисоблашнинг сонли усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг натижаларини эксперимент билан таққослаш;

– кучли экситон сўниши ва аномал дисперсия шароитида CdS типидagi бир ўқли яримўтказгич кристалларда аралаш экситон-поляритон тўлқинларининг анизотроп нурланиш спектрларини шаклланиш механизмларини ишлаб чиқиш;

– CdS типидagi бир ўқли кристалларда экситон сўнишининг критик қийматлари яқинида ва чегаравий катта қийматларида экситон-поляритон аралаш модалар интерференцион нурланишининг шаклланиш механизмларининг ўзига хос томонларини ўрнатиш.

Тадқиқот объекти - CdS типидagi бир ўқли гексагонал симметрияли соф ва легирланган яримўтказгич кристаллардан иборат.

Тадқиқот предмети - CdS типидagi бир ўқли кристалларда фазовий дисперсия ва экситон сўнишининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олувчи паст температурали ($T \approx 2-70$ К) экситон-поляритон люминесценция назариясидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Кўйилган масалаларни ечимини топиш учун яримўтказгичлар физикаси ва математик физиканинг назарий усуллари,

хусусан, Келдиш диаграмма техникаси ёрдамида ҳисоблаш ва компьютерда сонли моделлаштириш, яримўтказгич материаллар тадқиқотининг ПТФЛ га асосланган оптик-спектроскопик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– вакуумга бурчак остида нурланадиган бўйлама экситонлар улушини ҳисобга олган ҳолда яримўтказгич кристаллнинг оптик параметрларини аниқлаш имконини берувчи, экситон-поляритон люминесценцияси спектрини квант-механик назарий ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

– реал экситон сўниши нормал тўлқинлар дисперсия спектрини қайта шаклланишига, натижада кристалл чегараси орқали энергия узатишда кўндаланг ва бўйлама сирт-радиацион модаларнинг иштирок этишига, фазовий дисперсиянинг мавжудлиги эса уларнинг интерференциясига олиб келиши кўрсатилган;

– кўндаланг поляритонлардан фарқли ўлароқ, аралаш экситон-поляритон модаларнинг фотолюминесценция спектрларида кучли анизотропия, аномал дисперсия ва улкан интерференцион нурланиш мавжудлиги аниқланган;

–CdS типдаги бир ўқли яримўтказгич кристаллларнинг анизотроп нурланиш геометриясида экситон сўниши ва фазовий дисперсия роли билан боғлиқ бўлган экситон-фотон ўзаро таъсирининг оралиқ қийматлари учун экситон-поляритон люминесценция спектрининг шаклланиш механизмлари илк бор ишлаб чиқилган;

– чиқиш бурчагининг критик қиймати ортиши билан экситон-фотон ўзаро таъсир параметри ҳам монотон тарзда ўсиб бориши натижасида аномал дисперсия фонидagi интерференцион экситон-поляритон люминесценция спектрининг шаклланишида оралиқ аралаш поляритонлар ҳукмронлик қилиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

– кристаллар поляритон люминесценциясининг парциал спектрларини квант-механик ҳисоблаш усули CdS кристаллида аралаш модалар ЭПЛ ининг экспериментал спектрлари нозик тузилишини $A_{n=1}$ экситон резонанси яқинида $\hbar\Gamma$ нинг чекли қийматларида таҳлил қилишда ишлатилган;

– вакуумга чиқиш бурчагининг нисбатан кичик қийматларида аралаш экситон-поляритон модалар нурланиш спектри бўйича A_L чизик ярим кенглигини ўлчаш, $T=4.5-77$ К кенг температура оралиғида ω_L частота яқинидаги экситон сўнишининг $\hbar\Gamma$ параметрини энг содда усул билан аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ушбу диссертацияда яримўтказгичлар физикасининг замонавий назарий тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги ҳамда олинган формулалар бўйича ҳисобланган фотолюминесценция спектрлари CdS кристаллининг маълум ўта нозик экспериментал спектрларига яхши мос келганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, таклиф қилинган ЭПЛ спектрларини

ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари CdS типдаги бошқа кристалларнинг ҳам ПТФЛ ини тўғри талқин қилишга ишлатилиши мумкин ҳамда яримўтказгичларни бузмасдан назорат ва диагностика қилишда оптик спектроскопия учун янги фундаментал имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ПТФЛ спектрларини таҳлил қилишнинг ишлаб чиқилган назарий ва таклиф этилган экспериментал усуллари CdS кристалли асосида ионлаштирувчи нурланиш детекторларини, ёруғликнинг когерент манбаларини ва шунга ўхшаш бошқа оптоэлектрон асбобларни яратиш технологиясини такомиллаштиришда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Бир ўқли кадмий сулфиди кристалларида экситон-поляритон люминесценцияси спектрларининг шаклланиш механизмларини ўрганиш асосида:

– вакуумга бурчак остида нурланадиган бўйлама экситонлар улушини ҳисобга олган ҳолда экситон-поляритон люминесценцияси спектрини квант-механик назарий ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, ундан "ФОТОН" акциядорлик жамиятида ярим ўтказгич кристалларнинг оптик параметрларини аниқлашда фойдаланилган ("Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компаниясининг 2019 йил 20- февралдаги 02-435 сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгич материалларнинг тозалигини назорат қилиш услубини такомиллаштириш имконини берган;

– кадмий сулфиди типдаги кристалларнинг спектрларини механик экситонларнинг чекли сўнишини ҳисобга олиниб назарий ҳисоблаш натижаларидан ОТ-Ф2 рақамли "Яримўтказгичларда ва уларнинг квант-ўлчамли чуқурларида кутбланиш оптик эффектлари" фундаментал лойиҳасини бажариш жараёнида яримўтказгич қатлам тизилмаларда электронлар ва экситонлар қатнашган кинетик жараёнларнинг хос параметрларини аниқлаш учун фойдаланилган (ЎзР ОЎМТВ нинг 2019.16.01 даги 89-03-233-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгич қатламли тизилмаларда стационар фотоқўзғатиш шароитида электронлар кинетик ҳодисаларининг физикавий табиатини таҳлил қилиш имконини берган;

– кадмий сулфиди типдаги кристалларда экситон-поляритон нурланиш спектрларини реал оптик параметрларга боғлаб ҳисоблаш усули Ф2-ОТ-О-15494 рақамли "Квант нуқтали гетеро- ва нанотизилмаларда экситонлар, биполяронлар ва кинетик ҳодисаларнинг тадқиқоти асосида нурлантиргичлар, фотоэлементлар ва бошқа оптоэлектрон асбобларнинг самарадорлигини яхшилаш" давлат грантини бажариш жараёнида яримўтказгичларда экситонлар ва поляритонлар иштирокидаги нурланиш спектрларининг нозик тузилишини аниқлашда ишлатилди (ЎзР ОЎМТВ нинг 2019.16.01 даги 89-03-233-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичларда оптик ҳодисаларнинг физикавий табиатини

экситон-фотон ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда назарий таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш эълон қилинган, шундан ЎЗР ОАК тавсия қилган журналларда 7 мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 31 та расм ва 2 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти қисқача асосланган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устивор йўналишлари билан қандай боғланганлиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича илмий ишларнинг қисқача таҳлили, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, мақсад ва вазифалар ифодаланган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни жорий этиш ва иш апробацияси ҳақида маълумотлар келтирилган.

“CdS типдаги кристалларда фазовий дисперсия, поляритон эффекти ва экситон сўниши” номли биринчи бобда экситонлар ва поляритонларнинг энергетик спектри ҳақида асосий бошланғич тушунчалар қисқача келтирилган. Кадмий сульфиди ва кадмий теллуриди кристалларида $A_{n=1}$ экситон резонанси атрофида ФД ва кечикиш эффектлари, люминесценциянинг поляритон механизми ва ПТФЛ бўйича бир қатор умумий масалалар кўрилган. Адабиётлардаги маълумотларнинг танқидий таҳлили асосида диссертациянинг умумий вазифалари шакллантирилган.

“CdS типдаги кристалларнинг экситон-поляритон люминесценцияси спектрлари шаклланишида сирт-радиацион модалари ва бўйлама экситонларнинг роли” номли иккинчи бобда CdS типдаги кристалларда фазовий дисперсия $\varepsilon(\omega, k)$, поляритон эффекти $\omega_{LT} \neq 0$ ва механик экситонларнинг сўниши $\hbar\Gamma$ ҳисобга олинган ҳолда, экситон резонанс частотаси $A_{n=1}$ атрофида ЭПЛ спектрлари назарий тадқиқ қилинган. Бунда кўшимча тўлқинлар вакуумга нурлана оладиган геометрияда \mathbf{s} –ва \mathbf{p} –кутбланиш учун ҳажмий ва сирт-радиацион спектрал модаларнинг ЭПЛ га кўшадиган парциал ва интерференцион ҳиссаларининг назарий сонли ҳисоблаш натижалари таҳлил қилинган.

Диэлектрик сингдирувчанлиги

$$\varepsilon_{ij}(\omega, \vec{k}) = \varepsilon(\omega, k) \delta_{ij} = \varepsilon_b \left[1 + \frac{\omega_{LT}}{\omega_0(k) - \omega - i\Gamma(\omega, k)/2} \right] \cdot \delta_{ij} \quad (1)$$

изотроп тензор бўлган кристаллда резонанс частотаси ω_0 , эффектив массаси M ва бўйлама-кўндаланг ажралиши $\omega_{LT} = \omega_L - \omega_0$ бўлган дипол-актив экситон кўрилган. Бунда ε_b - фон диэлектрик сингдирувчанлик, $i = (-1)^{1/2}$, $\hbar\omega_0(k) = \hbar\omega_0 + \frac{\hbar^2 k^2}{2M}$ ва $\Gamma(\omega, k)$ - механик экситоннинг энергияси ва сўниши. Яримўтказгичларда $\omega_{LT} \ll \omega_0$ шарти бажарилганлиги учун резонанс частота ω_0 атрофида кўндаланг поляритонлар ($\beta=1, 2$) ҳамда бўйлама экситон ($\beta=3$) дисперсия тенгламаларини соддалаштирилган шаклда ёзиш мумкин:

$$\omega = \omega_k^{(\beta)} = \omega_0 + \frac{\hbar k^2}{2M} - \frac{\varepsilon_b \omega_{LT}}{(ck/\omega_0)^2 - \varepsilon_b} - i \frac{\Gamma(\omega, k)}{2}, \quad \beta=1, 2 \quad (2)$$

$$\omega = \omega_k^{(3)} = \omega_L + \frac{\hbar k^2}{2M} - i \frac{\Gamma(\omega, k)}{2}, \quad \omega_L = \omega_0 + \omega_{LT}, \quad \beta=3. \quad (3)$$

Бунда 1 ва 2 поляритонлар (2) формула билан $k > k_0 \sqrt{\varepsilon_b}$ ва $k < k_0 \sqrt{\varepsilon_b}$ бўлган соҳаларда тавсифланади, $k_0 = \omega_0/c$, c ва k_0 - фотоннинг вакуумдаги тезлиги ва тўлқин сони, \vec{k} - поляритоннинг тўлқин вектори, .

Экситон-поляритон модаларнинг дисперсия тенгламалари (2) ва (3) сўниш $\hbar\Gamma$ ортиши билан кескин ўзгариб кетади. Бу айниқса 2 ва 3 модалар учун бўйлама частота ω_L яқинида яққол намоён бўлади: ушбу модалар фақат $\omega > \omega_\theta$ дагина тарқалувчи, $\omega < \omega_\theta$ да эса тўла сўнувчи, яъни **сирт-радиацион тўлқинлардир**. Характерли $\omega_\theta \geq \omega_L$ частота $\beta = 2, 3$ тўлқинларнинг тўла ички қайтиш шарти билан аниқланади:

$$\text{Re } n_\beta = c \text{Re } k_\beta(\omega) / \omega = \sin \theta. \quad (4)$$

Бунда θ – нурланишнинг кристаллдан вакуумга чиқиш бурчаги, n_β - β -тўлқин учун кристаллнинг синдириш кўрсаткичи ($\omega < \omega_\theta$ бўлганда $\text{Re } n_\beta < 1$).

Поляритон механизмига мувофиқ ЭПЛ кристалл-вакуум чегарасида турли дисперсия тармоқлари β га тегишли, частотаси $\omega_\beta(\vec{k})$ бўлган поляритонларнинг $\omega = ck_0 = \omega_\beta(\vec{k})$ частотали ташқи фотонларга айланиши натижасида ҳосил бўлади. ПЛ нинг квазиклассик назарияси поляритонларнинг тақсимот функцияси учун Больцманнинг кинетик тенгламасидан фойдаланишга асосланган. Кубик симметрияли кристалларда унинг қўлланиш мезони ушбу тенгсизликларнинг бажарилиши билан белгиланади:

$$\text{Re } k_\beta \gg \alpha_\beta, \quad \left| \text{Re } (\vec{k}_\beta - \vec{k}_{\beta'}) \right| \gg \alpha_{\beta'}, \quad \alpha_{\beta'}, \quad (\beta, \beta' = 2, 3). \quad (5)$$

Бу шартлар бажарилганда β тармоқдаги поляритоннинг тўлқин вектори \vec{k}_β яхши аниқланган квант сони бўлиб, турли дисперсия тармоқларига тегишли когерент нурланувчи поляритон ҳолатларнинг интерференцион ҳиссаларини ҳисобга олмаслик мумкин.

Экситон сўниши $\hbar\Gamma$ нинг чекли қийматларида 2 ва 3 тўлқинлар учун (5) шарт бажарилмайди. Шу сабабли ушбу бобда Келдишнинг диаграмма техникасидан фойдаланиб, ЭПЛ назарияси ривожлантирилган. 2 ва 3 тармоқларда ички сочилишни ҳисобга олмасдан, 1 тармоқ поляритонининг тақсимот функцияси берилган ҳолда, қутбланиши λ бўлган 2 ва 3 тармоқ поляритонлари учун Грин функцияси $G_{\beta\lambda}^{-+}(\vec{k}, \vec{k}'; \omega)$ ҳисобланди. уз текислигида ётувчи бирлик вектор $\vec{\Omega}(\theta, \varphi)$ йўналишида вакуумга тарқалаётган нурланишнинг спектрал интенсивлиги

$$I_{\lambda}^{(0)}(\omega, \vec{\Omega}) = \sum_{\beta} I_{\beta\lambda}^{(0)}(\omega, \vec{\Omega}) \quad (6)$$

аниқланди. Бунда кристаллнинг ички нормали z ўқи бўйлаб йўналган; $\lambda = s, p$, ва $s // x$, $p \perp x$: $\lambda=s$ учун $\beta = 1, 2$ ва $\lambda=p$ да $\beta = 1, 2, 3, 23$. Парциал улуш $I_{23p}^{(0)}(\omega, \vec{\Omega})$ когерент нурланувчи $|2\vec{k}\rangle$ ва $|3\vec{k}\rangle$ ҳолатларнинг интерференциясини ифодалайди. Кинетик яқинлашишда

$$I_{1\lambda}^{(0)}(\omega, \vec{\Omega}) = \frac{k_0^2}{(2\pi)^3} \hbar \omega T_{01}^{(\lambda)} \cdot f_{1k\lambda}(\omega, z = +0), \quad (7)$$

бунда $T_{o\beta}^{(\lambda)}$ - қутбланиши λ бўлган β тўлқиннинг кристаллдан вакуумга энергетик ўтказиш коэффициенти, $f_{1k\lambda}(\omega, z) = f_1(\omega) \exp(-z/L)$, $f_1(\omega)$ ва L - 1-тармоқ поляритонлари тақсимот функциясининг текис ўзгарувчи қисми ва диффузия узунлиги.

Келдишнинг диаграмма техникаси қоидаларини қўллаб,

$$I_{2s}^{(0)}(\omega, \vec{\Omega}) = \frac{F(\omega, \vec{\Omega})}{2k_0 \operatorname{Im} n_{2z} + L^{-1}} \left| \frac{t_{02}^{(s)}}{n_{2z}} \right|^2, \quad (8)$$

$$F(\omega, \vec{\Omega}) = \frac{1}{(2\pi)^3} \frac{2M^2 c \varepsilon_b \omega_{LT} \cos \theta}{\hbar \tau_{\beta 1} |(n_1^2 - n_2^2)|^2} f_1(\omega), \quad (9)$$

$$I_{\beta p}^{(0)}(\omega, \theta) = F_{\beta} \cdot \frac{|F_{\beta p}|^2}{2k_0 \operatorname{Im} n_{\beta z} + L^{-1}}, \quad \beta = 2, 3, \quad (10)$$

$$I_{23p}^{(0)}(\omega, \theta) = 2 \operatorname{Re} \left[F_{23} \cdot \frac{F_{2p} \cdot F_{3p}^*}{-ik_0(n_{2z} - n_{3z}^*) + L^{-1}} \right], \quad (11)$$


$$F_{\beta} = \frac{1}{(2\pi)^3} \frac{2M^2 c \varepsilon_b \omega_{LT} \cos \theta f_1(\omega)}{\hbar \tau_{\beta 1}}, \quad F_{2p} = \frac{t_{02}^{(p)}}{n_{2z}(n_1^2 - n_2^2)}, \quad F_{3p} = \frac{t_{03}^{(p)}}{n_{3z} \varepsilon_b}, \quad (12)$$

натижалар олинган. Бунда F_{23} ни F_{β} дан $\tau_{\beta 1}$ катталикини $(\tau_{21} \cdot \tau_{31})^{1/2}$ га алмаштириш орқали ҳосил қилинади, $i=(-1)^{1/2}$, θ – нурланишнинг кристаллдан чиқиш бурчаги, $\tau_{\beta 1} - \beta$ тармоқдаги поляритоннинг $\beta \rightarrow 1$ сочилишга нисбатан яшаш вақти, $n_{\beta z} = (n_{\beta}^2 - \sin^2 \theta)^{1/2}$, амплитудавий ўтказиш коэффициентлари $t_{0\beta}^{(s)}$ ва синдириш кўрсаткичлари n_{β} сўниш Γ ни эътиборга олиб ҳисобланади.

Келтирилган квант назарияси CdS кристалларида нурланишнинг “изотроп” геометриясида (**s**-кутбланиш, бунда $\vec{\omega}(\theta, \varphi)$ xz текислигида ётади ва оптик ўқ $\vec{c} // X$; **p**-кутбланиш, $\vec{\omega} \perp \vec{c} // Y$, z ўқи кристаллнинг нурланиш сиртига перпендикуляр) ЭПЛ нинг экспериментал¹ спектрларини тавсифлашда ишлатилди. 1-расмда нурланишнинг **s** – геометриясида $\theta=0$ (а) ва 80° (с) бўлганда люминесценция контурларининг умумий кўриниши тасвирланган. Параметрларнинг $\hbar\omega_0=2552.4$ мэВ, $\hbar\omega_{LT}=2$ мэВ, $\varepsilon_{b\perp}=9.4$, $M_{\perp}=0.9m_0$, $\hbar\Gamma = 0,075$ мэВ, $L = 0,8$ мкм, $\delta = 70^\circ$ қийматларида ҳисобланган ЭПЛ назарий спектрлари (1 а', с' расмларда 0 чизиқлар) экспериментга (учбурчак нуқталар) яхши мос келади. $\omega \geq \omega_L$ частоталарда умумий интенсивлик $I_s^{(0)}$ ҳосил бўлишида парциал улуш $I_{2s}^{(0)}$ (2 пунктир чизиқлар) муҳим роль ўйнайди.


1в расмда нурланишнинг **p**-кутбланиш геометрияси учун $\theta \approx 80^\circ$ бўлганда CdS кристаллининг экспериментал ЭПЛ контури кўрсатилган. Бу спектрда нурланиш асосий максимуми A_T билан бир қаторда ω_L га нисбатан қиска тўлқинлар соҳасидаги $\omega_{\theta=80^\circ} = 2,5547$ эВ / \hbar частотада жойлашган қўшимча, унчалик катта бўлмаган A'_L максимум ҳам кўринади. Бу максимумнинг келиб чиқиши олдин фақат бўйлама экситонларнинг “нурланиши” билан тушунтирилган. Аммо сонли ҳисоблар кўрсатишича, A'_L чизиқнинг келиб чиқиши анча мураккаб. Частоталарнинг $\omega \leq \omega_L$ қисми диққатни тортади. Бу ерда кинетик яқинлашишга кўра бўйлама экситонлар ҳам, 2 кўндаланг поляритонлар каби, вакуумга нурланиши мумкин эмас. Бу бобда илгари сурилган ва экспериментга мос тушувчи (ε') тўлқин назариясига кўра, экситон сўниши сирт-радиацион модаларнинг нурланиши ҳамда уларнинг интерференциясига туртки бўлади. Бу эса шубҳасиз фазовий дисперсияли кристалларда ЭПЛ шаклланишининг янги механизмидир.

¹Экспериментал спектрлар А.Ф. Иоффе номидаги ФТИ да проф. А.В. Селькиннинг курилмасида олинган.



1-расм. CdS кристалли учун ($T=2K$) ЭПЛ экспериментал (a, b, c) ва назарий (a', b', c') спектрлари. Нурланишни қайд қилиш s (a, a'; c, c') – ва p (b, b') - (a', b', c') кутбланиш геометриясида. Расм a да штрих чизик 1-тармоқ поляритон ҳолатларининг эгалланиш функциясининг 2LO-такрорланиш спектрини кўрсатади, пунктир чизик билан кўрсатилган $f_1(\omega)$ тақсимланиш функцияси шу спектр учун ҳисобланган. 0 – нурланишнинг йиғинди интенсивлиги, учбурчаклар – эксперимент; 1, 2 –кўндаланг поляритонлар, 3 –бўйлама экситон улушлари, 23 – интерференцион I_{p23} улуш.

2-расмда CdS кристаллининг s(a, c, e) ва p(b, d, f)–кутбланишли нурланиш геометриясида, вакуумга чиқиш бурчаги $\theta = 30^\circ$ (a, b), 45° (c, d) ва 60° (e, f) бўлгандаги назарий ҳамда экспериментал ЭПЛ спектрлари таққосланган ва ҳисобланган парциал $I_{\beta\lambda}^{(0)}$ (1, 2, 3, 23 чизиклар) улушларнинг спектрлари келтирилган. Кўриниб турибдики, $I_{1\lambda}^{(0)}$ ва $I_{2\lambda}^{(0)}$ улушлар люминесценцияга қўшадиган нисбий ҳисса θ га кучли боғлиқ эмас, аммо $I_{3p}^{(0)}$ нинг ҳиссаси (3 чизиклар) θ ортиши билан сезиларли даражада кўпаяди ва



2-расм. CdS кристаллари s (a, c, e)– ва p (b, d, f)– кутбланган нурланишининг назарий (0 чизиқлар) ҳамда экспериментал (учбурчак нуқталар) ЭПЛ спектрларини таққослаш. Нурнинг чиқиш бурчаги $\theta=30, 45, 60^\circ$. Белгилашлар 1-расмдаги каби.

A'_L чизиғининг шаклланишида асосий роль ўйнайди. ФД сиз 3 тўлқин, 1 тўлқин каби $\omega > \omega_L$ частота диапазонида мавжуд бўла олмайди. $\theta = 0$ бўлганда 3 бўйлама тўлқинлар тўла ички қайтишга учрайди ва $I_p^{(0)}$ да $I_{3p}^{(0)}$ нинг ҳиссаси бўлмайди. Бу ҳолат $n_{3L} > \sin \theta$ бўлганда ҳам юз беради ва $\omega > \omega_\theta$ да частота ортиши билан $I_{3p}^{(0)}$ нинг кескин камайишини тушунтириб беради. Интерференцион ташкил қилувчи $I_{p23}^{(0)}$ йиғинди интенсивлик $I_p^{(0)}$ га озгина манфий ҳисса қўшади ва θ ортиши билан бу ҳиссанинг абсолют

қиймати камаяди. Аммо $I_{p23}^{(0)}$ улушисиз ЭПЛ спектрларида ω_L яқинида θ га деярли боғлиқ бўлмаган кичкина минимумни олиш қийин.

“CdS типдаги кристалларда кучли сўниш ва аномал дисперсия шароитида аралаш экситон-поляритон модаларнинг анизотроп нурланиши” номли учинчи боби CdS типдаги бир ўқли кристалларда кучли механик экситон сўниши $\hbar\Gamma$ шароитида, (5) даги иккала шарт ҳам бажарилмаганда АЭПМ фотолюминесценция спектрлари шаклланишининг назарий масалаларига бағишланган. Сўниш параметри $\hbar\Gamma$, чиқиш бурчаги θ ва ўлчамсиз экситон-фотон ўзаро таъсир параметри $\gamma_{LT} = \tilde{\omega}_{LT}/\Gamma$ қийматларига қараб аралаш модалар нурланиш спектрал A_L чизиқлари шаклланишининг турлича механизмлари юзага келиши кўрсатилган.

Бир ўқли CdS кристаллининг изоляцияланган диполь-актив $A_{n=1}$ экситон ҳолати яқинида поляритонларининг энергетик спектри кучли анизотропдир: тўлқин тарқалишининг $\vec{k} \perp \vec{c}$ ва $\vec{k} // \vec{c}$ дан бошқа ҳар қандай йўналишида ўзгармас частотада иккита кўндаланг поляритон модалар (T1, T2) ва иккита аралаш типдаги экситон-поляритон модалар (M1, M2) кўзғатилиши мумкин.

Бу модалар учун дисперсия тенгламалари

$$c^2 \vec{k}^2 / \omega^2 = \varepsilon_{\perp}(\omega, \vec{k}), \quad (\text{T1, T2 модалар})$$

$$\frac{c^2 k_x^2}{\omega^2 - c^2(\vec{k}^2 - k_x^2) / \varepsilon_{//}(\omega, \vec{k})} = \varepsilon_{\perp}(\omega, \vec{k}) \quad (\text{M1, M2 модалар})$$

қуйидаги кўринишларда ёзилиши мумкин:

$$\omega = \omega_{\vec{k}}^{(T)} \equiv \omega_T(\vec{k}) - \frac{\varepsilon_b \omega_{LT}}{(c\vec{k} / \omega_0)^2 - \varepsilon_b} - i \frac{\Gamma}{2}, \quad (13)$$


$$\omega = \omega_{\vec{k}}^{(M)} \equiv \omega_M(\vec{k}) - \frac{\varepsilon_b \tilde{\omega}_{LT}}{(c\vec{k} / \omega_0)^2 - \varepsilon_b} - i \frac{\Gamma}{2}, \quad (14)$$

Бунда

$$\omega_T(\vec{k}) = \omega_0 + \hbar k_x^2 / 2M_{//} + \hbar(\vec{k}^2 - k_x^2) / 2M_{\perp}, \quad \omega_M(\vec{k}) = \omega_T(\vec{k}) + \omega_{LT}, \quad \tilde{\omega}_{LT} = \omega_{LT} k_x^2 / \varepsilon_b k_0^2, \quad (15)$$

$\varepsilon_b = \varepsilon_{b\perp} \approx \varepsilon_{b//}$ деб қабул қилинган, $\tilde{\omega}_{LT}$ - эффектив бўйлама-кўндаланг ажралиш.

3-расмдан кўринадики, нурланувчи аралаш модаларнинг дисперсия чизиқлари M1, M1' ва M2, M2' механик экситон сўнишининг унча катта бўлмаган $\hbar\Gamma=0.1$ мэВ қийматида ҳам чиқиш бурчаги θ га боғлиқ равишда бир қатор ўзига хос жиҳатларга эга. Биринчидан, нурланишининг кичик чиқиш бурчакларида ($\theta \leq 10^0$) поляритон эффекти экситон сўниши нисбатан катталиги ($\tilde{\omega}_{LT} \ll \Gamma$) туфайли деярли юзага чиқмайди ва ω_L частотаси яқинида биз фақат бир жинсли бўлмаган сирт-радиацион модаларга эга бўламиз. Иккинчидан, $\theta \approx 15^0$ дан бошлаб сезиларли эффектив бўйлама-кўндаланг ажралиш $\tilde{\omega}_{LT} \approx 0.014$ мэВ пайдо бўлади (кучсиз поляритон эффекти) ва у θ бурчак ортиши билан кучаяди ($\theta=80^0$ да $\tilde{\omega}_{LT} \approx 0.2$ мэВ).



3-расм. Бир ўқли CdS кристаллида аралаш экситон-бир жинслимас тўлқин (a) ва экситон-поляритон (b-f) модаларининг ω_L яқинидаги ҳисобланган спектрлари. Кристаллдан вакуумга чиқиш бурчаги $\theta=5^\circ$ (a), 15° (b), 30° (c), 45° (d), 60° (e) ва 80° (f), оптик параметрларнинг қийматлари $\hbar\Gamma=0.1$ мэВ, $\hbar\omega_0=2552.4$ мэВ, $\hbar\omega_{LT}=2$ мэВ, $\epsilon_{b\perp}=9.4$, $M_{\perp}=0.9 m_0$, $M_{\parallel}=2.85 m_0$. $\theta \rightarrow 0$ да M1, M1' ва M2, M2' чизиклар бўйлама экситонлар ва кўндаланг фотонларга тегишли.

Учинчидан, θ бурчак 30° дан 90° гача ўзгарганда $\hbar \tilde{\omega}_{LT} \approx \hbar\Gamma=0.1$ мэВ бўлган оралиқ экситон-фотон ўзаро таъсири юзага келади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

$\theta, ^\circ$	5°	10°	15°	30°	45°	60°	80°	90°
$\tilde{\omega}_{LT}, \text{ мэВ}$	0,0016	0,0064	0,014	0,053	0,107	0,16	0,207	0,213

Тажрибанинг бизни қизиқтирувчи \mathbf{p} -күтбланган нурланиш геометриясида спектрал интенсивлик $I = I_p^{(0)}(\omega, \bar{\Omega})$ га фақат аралаш модалар $M1$ ва $M2$ ҳисса қўшади. $M1$ ва $M2$ тармоқларнинг вакуумга нурланувчи ҳолатлари тақсимот функциялари берилган $T1$ поляритонларнинг ва вакуумга нурланмайдиган $M1$ поляритонларининг бир қарра сочилиши эвазига тўлдирилади, деб ҳисоблаймиз. Бу эса биз кинетик тенгламанинг қўлланиш шартлари (5) \bar{k}_{M1} нинг анча катта қийматларида $T1$ ҳолатлар ва вакуумга нурланмайдиган $M1$ ҳолатлар учун бажариладиган сўниш $\hbar\Gamma$ нинг юқоридан чекланган қийматлари билангина иш кўришимиз зарурлигини англатади.

Юқоридагилар асосида, иккинчи бобдаги каби, Келдишнинг диаграмма техникаси аралаш экситонлар кинетикасини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирилган ва қуйидаги муносабатлар олинган:

$$I_p^{(0)}(\omega, \bar{\Omega}) = \sum_{\beta=M1, M2} I_{p,\beta}^{(0)}(\omega, \bar{\Omega}) + I_{p,M12}^{(0)}(\omega, \bar{\Omega}), \quad (16)$$

$$I_{p,\beta}^{(0)}(\omega, \bar{\Omega}) = F(\omega, \bar{\Omega}) \left| F_{\beta}(\omega, \bar{\Omega}) \right|^2 / (2k_0 \text{Im } n_{\beta z} + L^{-1}), \quad (17)$$

$$I_{p,M12}^{(0)}(\omega, \bar{\Omega}) = -F(\omega, \bar{\Omega}) \cdot 2 \text{Re} \left[\frac{F_{M1}(\omega, \bar{\Omega}) F_{M2}^*(\omega, \bar{\Omega})}{-i k_0 (n_{M1z} - n_{M2z}^*) + L^{-1}} \right], \quad (18)$$


$$F(\omega, \bar{\Omega}) = \frac{1}{(2\pi)^3} \frac{2M_{ij} c \varepsilon_b \omega_{LT} \cos \theta}{\hbar |n_{M1}^2 - n_{M2}^2|^2} \sum_{\beta'=T1, M1} \sum_{\bar{k}_{\beta'}} \frac{f_{\beta', \bar{k}_{\beta'}}(\omega)}{\tau_{M, \beta', \bar{k}_{\beta'}}(\omega)},$$

$$F_{\beta}(\omega, \bar{\Omega}) = \frac{t_{0\beta}^{(p)}(\omega, \bar{\Omega})}{n_{\beta z}} \left[\frac{(n_{\beta}^2 - \varepsilon_b)^2}{\varepsilon_b^2} \frac{n_{\beta z}^2}{n_{\beta}^2} + \frac{n_{ox}^2}{n_{\beta}^2} \right]^{1/2}. \quad (19)$$

Бу ерда $\tau_{M, \beta', \bar{k}_{\beta'}}$ - вакуумга нурланувчи ҳолатлар ($M1, \bar{k}$) ёки ($M2, \bar{k}$) нинг ($\beta', \bar{k}_{\beta'}$) поляритон ҳолатларига $\bar{k}_{\beta'}$ йўналиш яқинида бирлик фазовий бурчак ичидаги емирилиш вақти. (18) ифода ташқи нурланиш интенсивлиги $I_p^{(0)}$ га $M1$ ва $M2$ аралаш модаларнинг қўшадиган интерференцион ҳиссаси бўлиб, $T1$ ёки $M1$ поляритон тармоқларининг битта марказда когерент нурланувчи $M1$ ва $M2$ ҳолатларга сочилиши натижасида ҳосил бўлади.

4-расмда АЭПМ нинг экспериментал люминесценция спектрлари ($T=2.5$ К) ва $\hbar\Gamma=0.1$ мэВ да ҳисобланган назарий натижалар кўрсатилган. A_L чизиқ бўйлама частота ω_L яқинида жойлашган ва унинг интенсивлиги θ ортиши билан тез ўсади. Нурланишни қайд этиш йўналишига нисбатан спектрда A_L чизиқ бутунлай йўқоладиган кристалл оптик \bar{c} ўқининг ориентацияси нурланиш чиқиш бурчагининг абсолют $\theta = 0^\circ$ санок бошини аниқлаш имконини беради. Сўниш $\hbar\Gamma$ нинг берилган қийматида θ ошиши A_L чизиқнинг интенсивлиги I_{A_L} билан бир қаторда ярим кенглигини ҳам ортиши поляритон эффектининг кучайиши (3- ва 4-расмларни таққосланг), яъни эффектив бўйлама-кўндаланг ажралиш $\tilde{\omega}_{LT}(\theta)$ ортиши билан боғлиқ. Бунда

маълум бир $\theta > 30^\circ$ бурчакдан бошлаб спектрда нозик дублет структура пайдо бўлади (4-d, e, f расмлар).



4-расм. CdS кристалл аралаш ЭПЛ ининг назарий (узлуксиз чизиклар) ва экспериментал (учбурчаклар) спектрларини таққослаш. p -қутбланган нурланиш чиқиш бурчаги $\theta = 5^\circ$ (a), 15° (b), 30° (c), 45° (d), 60° (e) и 80° (f), $\hbar\Gamma = 0.1$ мэВ ($T = 2.5$ К). Пунктир ва штрих чизиклар пастки I_{M1} ва юкори I_{M2} тармоқлардаги аралаш поляритонларнинг парциал улушларини, штрих-пунктир чизик эса уларнинг интерференцион хиссасини ифодалайди. Бу параметрларни ҳисоблашдаги оптик параметрларнинг қийматлари 3-расмдагидай. $L = 1,5$ мкм, $\ell = 70\text{\AA}$.


Анча катта ($\theta \geq 80^\circ$) бурчакларда бу структура шаклини ўзгартиради ва охири йўқолади. A_L чизикнинг топилган нозик структура пайдо бўлишининг динамикаси 4c, d, e, f расмларда узлуксиз чизиклар билан кўрсатилган ва бу

расмлар θ бурчак ортиши билан нурланиш максимумининг назарий шакли қандай ўзгаришини намоиш этади. Кўриниб турибди-ки, назарий спектрал чизиқлар экспериментал натижаларнинг асосий хоссаларини яхши такрорлайди. Назарияда ҳам, экспериментда ҳам максимумнинг дублет тузилиши бурчакнинг маълум бир оралиғида ($30^0 < \theta < 75^0$) намоён бўлади. Нурланишнинг изотропик геометриясидаги ЭПЛ (II боб) каби частотанинг $\omega \geq \omega_L$ қийматларида I_p^0 га аралаш юқори поляритон тармоқнинг ҳиссаси I_{M2} пастки поляритон тармоқнинг ҳиссаси I_{M1} дан анча катта, аммо шу билан бирга когерент нурланувчи M1 ва M2 ҳолатларнинг интерференцион ҳиссаси I_{M12} юқори поляритон тармоқ 2 нинг ва бўйлама 3 экситоннинг худди шундай ҳиссаси I_{p23} дан жуда катта эканлигини алоҳида эътиборга олиш лозим. θ нинг катта қийматларида дублет структура йўқола боради, максимум эса қисқа тўлқинлар томон силжийди.

Шунингдек, бу спектрал чизиқларнинг шаклланиш механизмлари $\hbar \Gamma$ и θ ларга боғлиқ ҳолда батафсил таҳлил қилинди ҳамда бу жараёнда бир жинсли бўлмаган тўлқинлар, экситон-фотон ўзаро таъсири ва фазовий, хусусан аномал дисперсиянинг роли очиб берилди. Шу мақсадда $5a-f$ расмларда $\hbar \Gamma = 0.5$ мэВ учун аралаш $\beta = M1, M2$ модаларнинг интерференцияси $I_{p, M12}^{(0)}$ ($\beta = M12$) ни ҳисобга олган ҳолда ташқи нурланишга берадиган улуш-лари туфайли ҳосил бўлган умумий $I_p^{(0)}(\omega, \theta)$ ва парциал $I_\beta(\omega, \theta) = I_{p, \beta}^{(0)}(\omega, \bar{\Omega})$ спектрлари кўрсатилган. Вакуумга чиқиш бурчаги θ ошган сари I_β интенсивликларнинг максимал қийматлари ва уларнинг спектрал контурларининг жиддий ўзгаришлари кўриниб турибди. Йиғинди интенсивлик $I = I_p^0$ га манфий ишора билан ((18) ни қаранг) кирувчи кучли интерференцион улуш I_{M12} айниқса диққатни тортади. Бу улуш $\hbar \Gamma$ ва θ нинг қийматларидан қатъий назар $\omega_c = \omega_L + \omega_{M1} \varepsilon_b$ даги спектрал максимум ўзининг қатъий симметрик шаклини сақлайди. Чиқиш бурчагининг $\theta = 5^0$ ва 15^0 қийматларида ω_c частотада бўйлама экситон ва фотон билан бирмунча аралашган кўндаланг экситон ҳал қилувчи ҳисса қўшади ($I_{M1}/I_p^0 = 1.07$ ва 1.12), $I_{M2}/I_p^0 \leq 0.04$ ва $I_{M12}/I_p^0 \leq 0.2$ ҳиссалар эса эътиборга олмаслик даражада. $I_p^0(\omega)$, $I_{M1}(\omega)$ ва $I_{M12}(\omega)$ ларнинг спектрал контурлари деярли Лоренц чизиғи шаклида, чунки $\theta = 15^0$ учун $\tilde{\omega}_{LT} / \Gamma \approx 0.005 \ll 1$ (1-жадвал) ва сўниш поляритон эффектини бутунлай босиб кетади, “аралаш экситон+кўндаланг фотон” эса кристаллда деярли классик осцилляторлар каби бир жинсли бўлмаган тўлқинлар сифатида тарқалади.

Чиқиш бурчагининг $20^0 < \theta < 30^0$ оралиғида экситон-фотон ўзаро таъсирининг ортиши ($\theta = 30^0$ да $\tilde{\omega}_{LT} \approx 0.05$ мэВ, $\tilde{\omega}_{LT} / \Gamma \approx 0.1$) бир жинсли бўлмаган M1, M2 тўлқинлар орасида интерференцияни кучайтиради ҳамда A_L чизиқни кенгайтиради, ваҳолангки ҳали аралаш поляритонлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. $\theta \geq 45^0$ да парциал компонентлар I_{M1} , I_{M2} спектрал чизиқларининг нотекис кенгайиши ва I_p^0 максимумининг қисқа тўлқин томон

бирмунча силжиши кузатилади, бу эса, сўзсиз, кучли аномал дисперсия шароитида аралаш поляритонларнинг ҳал қилувчи ҳиссаси билан боғлиқ.



